Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХУСУСИЙ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давоми.Боши. 1-бетда.

хорижий инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромадлари (фойдаси)ни ўз мамлакатига қайтариш тартиботини мураккаблаштирувчи ёки уларнинг миқдорини камайтирувчи қўшимча талаблар жорий этилиши, бунда давлат хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги ёки кредит берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хорижий инвестор - жисмоний шахс содир этган жиноий қилмиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида ёхуд суд ёки ҳакамликнинг қарорига мувофиқ даромад (фойда)ни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда хорижий инвестор маблағларини қонун хужжатларини камситмайдиган тарзда қўллаш шартлари асосида ўз мамлакатига қайтарилишини тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

инвестицияларнинг миқдори бўйича инвестициялаш ҳажмларига миқдорий чеклашлар ҳамда бошқа қўшимча талаблар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда хорижий инвестицияларнинг минимал миқдорини кўпайтириш тарзидаги талаблар жорий этилиши;

республика корхоналарининг устав жамғармаларида хорижий инвесторнинг улуш билан иштирок этиши бўйича чеклашлар жорий этилиши;

хорижий инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва узайтириш борасидаги қўшимча тартиботлар, шунингдек хорижий инвестицияларни амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилиши.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикасининг "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонуни 3-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган кафолатларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

Бунда, юқорида кўрсатилган барча инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда хорижий инвестор мазкур кафолатни қўллаш тўғрисида тегишли ваколатли органни хабардор қилиши назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармон қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 11 апрель*

**Франциянинг Вернон шаҳрида Буюк Ипак йўлига бағишлаб ўтказилган китоб салонида Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар экспозициянинг салмоқли қисмини ташкил қилди.**

## ЎЗБЕК КИТОБЛАРИ ВЕРНОНДА

— Мазкур кўргазма французларнинг мамлакатингизга, унинг қадимий тарихи, маданияти ва анъаналарига бўлган қизиқишидан далолат беради,— дейди кўргазма ташкилий қўмитаси раиси, Вернон шаҳри мэрининг ўринбосари Клод Пишон. – Биз Ўзбекистонга катта самимият билан қараймиз, французларни нафақат мамлакатингиз тарихи, балки унинг бугунги куни ҳам қизиқтиради.

Кўргазма доирасида "Амир Темур ва Европа" мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Темурийлар тарихини ўрганиш ассоциацияси президенти Люсьен Керен "Европаликлар Ўзбекистон тарихини, айниқса, Амир Темурнинг Европа мамлакатлари ҳукмдорлари билан алоқалар ўрнатган даврини яхши билиши зарур. Буюк саркарда ўша пайтдаёқ Европанинг бирлашишини башорат қилган эди", деб таъкидлади.

— Мен Ўзбекистонни яхши кўраман, — дейди Ўзбекистон ҳақидаги қатор китоблар муаллифи ва ношир Дидье Лябуш. — Ҳар сафар юртингизга ташриф буюрганимда қайтадан унинг шайдосига айланаман. Сизнинг маданиятингиз французлар қалбида алоҳида ўрин эгаллаган. Ушбу кўргазма эса Шарқ ҳақидаги тасаввуримизни янада бойитди. Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларнинг ажойиб тарихий ва меъморий ёдгорликлари замондошларимизни ўтган даврларга етаклайди, мамлакатингизнинг буюклигидан далолат беради.

**Ғайрат ШУКУРОВ,**
**"Жаҳон" АА,**
**Париж.**

*Иқтисодиёт*

## МАҲСУЛОТГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

**"East-kolor" масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда 20 турдаги бўёқ ва бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.**

2003 йил фаолият бошлаган корхонада "Шарқ бўёғи" номдаги бўёқлар, ПФ-115 эмали, ПФ-170 локи ҳамда устунлар, том ёпиш қопламалари, фасад ишлари учун турли хилдаги бўёқлар тайёрланмоқда.

Айни дамда корхонада 12 нафар киши иш билан таъминланган бўлиб, замонавий технологиялар асосида фаолият олиб боришади. Республикамиздаги "Йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи" акциядорлик жамияти, "Навои Азот", "Тоғконметаллургия" заводлари бугунги кунда корхонанинг асосий буюртмачилари ҳисобланишади.

Корхонада ҳозирда "Оксоль ЕК", "Синтет ЕК" номдаги олиф маҳсулоти ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу аралашма асосан магистрал йўлларни бўяшда ишлатилади.

— Корхонамиз маҳсулотларига талаб юқорилигига асосий сабаб, улар сифатининг яхшилигида, — дейди жамоа раҳбари Геннадий Газиев. — Ишлаб чиқарилаётган бўёқ ва бўёқ маҳсулотлари ўз рангини узоқ сақлаб туриши, қуёш нурига чидамлилиги, совуқ иқлимга мослиги билан ажралиб туради. Айниқса том ёпиш қопламалари учун мўлжалланган бўёқлар мана шундай хусусиятларга эга. Айни дамда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мақсадида янги турдаги бўёқлар устида иш олиб борапмиз.

## БОЛАЛАР УЧУН КИЙИМЛАР

**"Шафақ текстиль" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида бозор талабини ўрганган ҳолда буюртма асосида 60-70 хилдаги болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилмоқда.**

Корхона Туркиядан келтирилган замонавий тикув машиналари билан таъминланган бўлиб, барча ишлар самарали технологиялар ёрдамида амалга оширилади.

20 нафардан зиёд киши иш билан таъминланган корхонада тикиш, бичиш цехлари бўлиб, кийим қисмлари ана шу цехларда тикилади.

— Тайёр маҳсулот республика бозорларида сотувга чиқарилади, — дейди корхона раҳбари Одил Аккакара.

— Айниқса Чорсудаги "Болалар дунёси" дўконида, "Карвон" кийим-кечак бозорларида маҳсулотларимизга талаб юқори.

Ташкил этилганига эндигина 2 йил бўлган ушбу қўшма корхона маҳсулотлари ўта бежиримлиги, ёш болалар учун қулайлиги, мавсумбоплиги, сифати билан ажралиб туради.

**Орзугул РУСТАМОВА**

*Шаҳар — қишлоққа!*

## ИККИ ТУРДАГИ ЯНГИ МАҲСУЛОТ

**"Ўзқишлоқмашхолдинг" компанияси таркибига кирувчи корхоналар орасида шаҳримизда фаолият кўрсатаётган "Агрегат заводи" очиқ акциядорлик жамияти жамоасининг ўрни алоҳида.**

"Агрегат" заводи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиш, етиштириш, ишлов бериш, йиғиб олиш, умуман уларнинг унумдорлигини ошириш учун машина ва уларга эҳтиёт қисмлар




ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда айни кунларда янги маҳсулотлар синовдан ўтказишга тахт қилинди.

— Кейинги 3-4 йиллар ичида, — дейди корхона бош директори ўринбосари Нуриддин Баратов, — цехларимиздаги эскирган дастгоҳ ва ускуналарни янги, хорижий замонавий линиялар билан алмаштириш эвазига ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли даражада оширишга эришдик.

2004 йилнинг ўзида завод аҳли режада белгиланган 3 миллиард 360 миллион сўмлик ўрнига 4 миллиард 255 миллион сўмлик сифатли, импорт ўрнини босувчи агрегат, редуктор ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарди. Эътиборли томони, корхона тадбиркорларининг ички бозорини чуқур ўрганиши, изланишлари, ишчи-хизматчиларнинг малакаси туфайли йилдан-йилга маҳсулотлар тури ортиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб жамоа аҳли республикамизнинг қишлоқ хўжалик ходимларига "ОВХ-600", "ОШХ-12", "ОВМ-400", "НШ-50", "НШ-10", "НШ-30" русумли агрегат, насосларнинг ўзидан 32 хилдан ортиғини ишлаб чиқармоқда ва мижозларни мамнун этмоқда.

"Агрегат"чилар айни кунларда 2 та янги маҳсулот — импорт ўрнини босувчи агрегат ва сув насосларининг тажриба-синов нусхаларини яратдилар. Қувонарлиси, бу каби маҳсулотлар аввал-




лари Россия давлатидан келтирилларди, асосийси унинг нархи ҳам сезиларли даражада юқори бўлган бўлса, маълум муддат ичида ушбу рақобатбардош насосларга буюртмалар олиш учун шартномалар тузилади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: "Агрегат заводи" очиқ акциядорлик жамиятида хорижий, юксак самарали дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида ишчи-хизматчилар барча буюртмаларни сифатли, ўз муддатларида бажаришга эришмоқдалар.**

**Наталья Семёнова олган суратлар.**

*Таълим*

## "САЛОМАТЛИК" ДАРСЛАРИ

**Тошкентдаги 52-махсус меҳнат таълими мактабида "Саломатлик" дарслари ўтказилди. Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти саъй-ҳаракати билан уюштирилган бу машғулотлар "Соғлом ёшлик" шиори остида ташкил этилди.**

Гап шундаки, олий ўқув юрти мазкур мактабни ўз оталиғига олган. Институтнинг "Олий маълумотли ҳамшира" факультети профессор-ўқитувчилари билим ўчоғида бўлиб, "Саломатлик" дарсларини олиб боришга кўмаклашаётирлар. Навбатдаги бундай таълимий тадбир "Наврўз ва саломатлик" деган мавзуга бағишланди. "Наврўз таомлари", "Наврўз урф-одатлари" мавзуларида уюштирилган суҳбатлар ўқитувчиларда яхши таассурот қолдирди.

Байрам дастури бўйича "Ассалом, Наврўз" кўргазмаси ҳам намойиш қилинди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

**Турли юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини қўллаш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар ўз ижобий самарасини бермоқда.**

*Фан*

## БОЙ ТИББИЙ ТАЖРИБА

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли вирусология илмий-тадқиқот институтида амалга оширилаётган илмий кузатишлар ҳам муҳим муолажавий аҳамият касб этмоқда.

Эпидемиология ва юқумли хасталиклар бўйича юзага келаётган даволашнинг янгича усуллари ҳам илмий муассасанинг навбатдаги ютуқларидан бири бўлди. Ана шу жараёнда швейцариялик ҳамкасблар билан яқин алоқа қўл келди. Қон қуйиш ва ифлосланган тиббий анжомлар орқали юқадиган касалликларга қарши кураш тажрибаси ҳам ўзлаштирилди. Айни вақтда В ва С вируслн гепатит ҳамда СПИД билан хасталаниш даражаси бирмунча пасайишига эришилди.

**Аҳмад АББОСОВ**

*Маънавият*

# ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Тадбирда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва Кенгашнинг ўтган йилги фаолияти якунига оид масалалар муҳокама этилди.

Мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши раиси Рустам Қосимов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Қуддус Аъзамов, "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори Мурод Муҳаммад Дўст ва бошқалар юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш, Миллий истиқлол ғоясини халқимиз, айниқса ёшлар қалби ва онгига чуқуррoқ сингдириш, маънавиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб, маънавият соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Шунингдек йиғилишда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тизимидаги маънавий-маърифий ишлар Кенгашининг Тошкент шаҳар, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларидаги бўлимларининг бу борадаги фаолияти ҳам таҳлил этилди.

Сўзга чиққанларнинг эътироф этишича, фаолияти таҳлил этилган вазирлик, шаҳар ва вилоятларда ибратли тадбирлар амалга оширилган.

Жумладан, Ички ишлар вазирлиги тизимида "Маърифат дарслари", "Сиёсий-ижтимоий ўқув" машғулотларини доимий равишда ўтказиш йўлга қўйилган.

Йиғилишда ютуқлар билан бир қаторда, камчиликлар, бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар хусусида ҳам сўз борди. Баъзи бир корхона ва ташкилотлар раҳбарлари маънавий-маърифий, ғоявий-сиёсий ишлар фақатгина "Маънавият ва маърифат" марказининг иши деган нотўғри тушунчадан воз кечишларининг вақти етмадиминкан деган савол ўртага ташланди. Мунозараларга бой тарзда ўтган мазкур тадбир барча иштирокчиларни яна бир бор изчилроқ ишлашга, сергакроқ бўлишга, изланишга ва интилишга ундади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

*Мурувват*



**Собир Раҳимов туманидаги Амир Темур номли маҳаллада 5700 нафар аҳоли аҳил-баҳамжиҳат истиқомат қилади. Маҳаллада турли тадбирларни ўтказиш, кам таъминланганлар ҳолидан хабар олиш ишлари фуқаролар йиғини раиси Жамила Исмоилова бошчилигидаги фаоллар иштирокида яхши йўлга қўйилган.**

# МАҲАЛЛАДА ҚЎШ ТАДБИР

Эътиборга лойиқ томони шундаки, ҳар йили мазкур маҳаллада буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллуд кунини уйғониш ва янгиланиш — Наврўзи олам билан биргаликда нишонлаш хайрли анъана тусига кирган.

Бу гал ҳам маҳалла марказида ўтказилган қўш тадбир ўзгача файз-тароватга бой кечди. Туман ҳокимлиги, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамда Қизил Ярим Ой жамиятининг туман бўлимлари ҳамкорлигида маҳаллада истиқомат қилувчи тадбиркорлар кўмагида ташкил этилган тадбирга асосан кам таъминланган оилалар вакиллари, боқувчисини йўқотганлар таклиф этилди. Йиғилганларни туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Муқаддам Расулова, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимининг раиси Саидаҳмад Обидов ва бошқалар ҳар иккала қутлуғ кун муносабати билан қутлашиб, энг эзгу дил сўзларини изҳор этишди. Маҳалладошлар сумалак, кўк сомса, кўк чучвара каби баҳор таомларидан баҳраманд бўлишди. 55 нафар меҳр-мурувватга муҳтож кишиларга эса жами 400 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар туҳфа этилди.



68-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг қувноқ чиқишлари, маҳалла ҳудудида жойлашган кутубхона ходимлари томонидан тайёрланган бадиий дастур йиғилганларга хуш кайфият бахш этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: Амир Темур маҳалласида ўтказилган қўш тадбирдан лавҳалар.**

**Даврон Аҳмедов олган суратлар.**

# «СЕҲРЛИ ЁҒДУ» ФЕСТИВАЛИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши мажлислар залида республика ўқувчиларининг анъанавий «Сеҳрли ёғду» кино-фото асарлари фестивали очилди. Уни «Камалак» болалар ташкилоти Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази, «Ўзтелерадиокомпания»нинг ёшлар телеканали, Кино-видеоҳаваскорлар жамияти билан ҳамкорликда ташкил этди.**

Улғайиб келаётган авлодни етук ва баркамол этиб тарбиялаш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва иқтидорини намоён этишига кўмаклашиш, ўқувчиларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоялари ва миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш ишига ҳисса қўшиш мазкур тадбирнинг асосий мақсадидир. Фестивалнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 112 нафар ўқувчи иштирок этаётир.

Фестиваль иштирокчилари икки йўналишда - кино ва фото санъати бўйича куч синашади. Улар тасвирга туширган лавҳаларда «Истиқлол берган имконият», «Мактаб ҳаётидан лавҳалар», «Она юрт табиати», «Спорт - саломатлик гарови» сингари мавзулар қамраб олинган.

**ЎзА**

*Ўқув масканларида*

# САЛОМАТЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИК

**Саломатлик инсон учун энг бебаҳо неъматдир. Қачонки инсоннинг етти мучаси соғ, ақли тиниқ бўлса, ҳар қандай ишга ўзгача бир иштиёқ билан ёндошади. Зеро, соғ танда соғлом ақл, дейди доно халқимиз.**

Яқинда Сергели туманидаги политехника коллежида «Соғлом турмуш тарзи» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Уни «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими ҳамда политехника коллежи ҳамкорликда ўтказдилар.

— Соғлиқ инсон учун ноёб ва бебаҳо бойликдир, — дейди «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Шавкат Ибрагимов. — Сиҳат-саломатлик йили барчамизни янада сергакроқ бўлишга ундайди, соғлом ҳаёт сари чорлайди. Негаки жамиятимизда носоғлом муҳит қурбонлари — гиёвандлар ҳам мавжуд. Улар ўз умрларига зомин бўлмоқдалар. Бизлар бир тану бир жон бўлиб курашган ҳолда бундай зарарли иллатлар илдизини кесиб ташламоғимиз жоиз...

Дарҳақиқат, бугунги давр ёшлари орасида тўғри йўлдан адашганлар ҳам топилади. Зеро баъзилар гиёвандлик, ақидапарастлик каби зарарли иллатларнинг қурбонлари бўлишмоқда. Ёшларнинг сиёсий онгини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тўғри шакллантириш борасида юқоридаги каби тадбирлар ҳар хил учрашувларнинг ўтказилиши албатта муҳим аҳамиятга моликдир.

Мазкур тадбирда ҳам 37-поликлиника шифокори Гулсара Эшонқулова «Сиз ҳаётга тайёрмисиз?», туман вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори Валентина Сотникова «Хушёрлик — давр талаби», туман ФҲДЁ бўлими бошлиғи Арофат Рустамова «Нурли остонага қадам» мавзуларида сўзга чиқишди. Тадбир сўнгида коллеж талабалари ижросида дилрабо куй ва қўшиқлар янграли. Мулоҳаза, мунозара, мушоҳадага бой тарзда қизиқарли ўтган ушбу кеча йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Гулнигор САТТОРОВА**

*Алоқа*

# ТЕХНИК ТАДБИРЛАР

**Кейинги йилларда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли корхоналарда қатор муҳим техник тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Телекоммуникация тармоқларини бошқариш йўналиши бўйича қилинган ишлар ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.**

Ушбу тармоқларни бошқариш Республика маркази томонидан ижарачиларга хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилмоқда. Бундай алоқа тармоғида эришилган ютуқлар агентликнинг навбатдаги селектор йиғилишида сарҳисоб қилинди. Унда тармоқда ижарачиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати янада яхшиланаётгани кўрсатиб ўтилди.

Айни вақтда марказнинг ҳисоботида шаҳарлараро алоқа тармоғида ҳам сифат кўрсаткичлари кўнгилдагидек бўлаётгани таъкидланди.

Шу йўналишда бу йил қилинадиган вазифалар ҳам белгилаб олинди.

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Республикамиз пойтахтида телеграф-телефон соҳасида техник тадбирлар кўлами кенгайиб бормоқда. "Тошкент телеграф-телефон станцияси" шохобчаси мутахассисларининг техник изланишлари натижаси ўлароқ қатор янгиликлар рўёбга чиқди.**

Бирламчи, иккиламчи телекоммуникация тармоқларини такомиллаштиришга доир ишлар сифат жиҳатидан яхшиланиб бораётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Бу борада ўтган йилнинг ўзида қатор ижобий натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ўтказилган йиғилишда станция фаолиятининг бу йўналиши сарҳисоб қилинди. Телекоммуникация тармоқларининг ишлаш сифатига бағишланган ушбу анжуманда навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

# АХБОРОТ МАЖМУАСИ

**Тошкент Ахборот технологиялари университетида фаолият кўрсатаётган радиотехника, радио алоқа ва телевидение факультетида ўнга яқин кафедралар ташкил этилган. Радиотехник тизимлар кафедрасида олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам самарали бўлмоқда.**

Орол денгизи сув ҳавзасининг ҳолатини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар ҳам радиотехник тизимларни янги маълумотлар билан бойитди. Мутахассис олимлар ана шу жараёнда муҳим ахборотларни тўплаш ва уларни алоқа тизими ёрдамида сунъий йўлдош орқали қайта ишлашга эришдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, бу борадаги изланиш натижалари "Радиотехник қурилмалари ва тизимлари" деб номланган илмий тўпламда ёритилди. Беш жилддан иборат бу нашрда факультетнинг бошқа кафедралари тадқиқотлари ҳам ўз ифодасини топди.

**Акбар АЛИЕВ**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

Ҳинд рожаси ақл дарёсидан дур ҳозирлаб, баён ипига терди-ю, деди: «Сўз ўқи баён камонидан ҳали отилмаган экан у менинг қўл остимдадир. Оғиз камонидан отилиб чиқса, унга энди эгалик қилолмайман!» Байт:

**Айтилмаган сўзни**
**айта оларсан,**
**Айтилганни қачон**
**тута оларсан?!**

У давом этиб деди: «Ҳар сўз ўқи камондан учса ва ҳар калима оғиз зиндонидан кўчса уни қайтариб оламан дейиш хом хаёлликдир!» Байт:

**Шошилмокдан**
**тийгин доимо ўзни,**
**Истаганда айтсанг**
**бўлади сўзни!**

Чин фағфури сўз бўстонидан гулдаста ҳозирлаб, туҳфа қилган ҳолда деди: «Сўз қуши оғиз қафасида экан, унинг ихтиёри менинг измимдадир. Бордию, у тил ошёнасидан парвоз қилса ҳеч қачон уни тутиб бўлмайди». Байт:

**Қуш қафасдан учиб**
**кетганда ҳар дам,**
**Тутаман деб уни**
**тортмагин алам!**

Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқарига чиқмаган экан, тил машшотасининг ихтиёридадир. Машшота уни хоҳласа баён боғига олиб киради, хоҳласа парда орқасида пинҳон тута олади. Байт:

**Сўз келини жилва**
**қилмаган замон,**
**Соҳибнинг қўли**
**остида пинҳон.**
**Хоҳлаганда уни**
**баён қилади,**
**Хоҳлаганда яна**
**ниҳон қилади!**

- Вафоли одамнинг дўстлиги ҳам самимий бўлади.
- Ёшликда шундай иш қилки, қариганингда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!
- Ёшлик мастлиги шароб мастлигидан ортиқ.
- Йигит йигитдан йиқилади, аммо таслим бўлмайди.
- Бир сандиқ олтиндан бир зарра ақл яхши.
- Тинимсиз зиёратдан малоллик туғилади.
- Йўлга чиқишдан аввал йўлдош қидир.
- Ҳар қуш ўз овозидан шодланади.
- Байт:

**Яхшилар айбидан**
**кўз юмгин ҳар он,**
**Ҳасад кўзи билан**
**боқмагил зиён.**
**Ўз айбинг кўрмоққа**
**юз марта кўз оч,**
**Ўзгага бир бор**
**ҳам кўз очишдан қоч!**

- ҲИКМАТ. Дўст уч гуруҳдир: дўст, дўстингни дўсти, душманингни душмани. Душман ҳам уч тоифадир: душман, дўстингни душмани, душманингни дўсти. Байт:

**Душманингга душман**
**бўлади дўстинг,**
**Душманингга ул**
**ҳам бўлади ағёр.**
**Душманингга дўстлик**
**айласа дўстинг.**
**Душмандир у̌ аканг**
**бўлса ҳам зинҳор!**

*Йиллар садоси*

# «ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

### ЎН БИРИНЧИ ҲИКОЯ

Бош муҳаррир хонасида камдан-кам тўпланардик. Режалаштириш ва газетани чиқариш билан боғлиқ бўлган кундалик масалалар асосан бош муҳаррир ўринбосари бошчилигида ҳал этиларди. Саъдулла ака ижодкор бўлгани учун кўпроқ ижод билан машғул бўлар, гоҳ Ёзувчилар уюшмасининг топшириғи билан бирор асар таржимаси, ғоҳо ўзи ёзаётган қисса, романи устида тинимсиз ишларди. Қачонки у кўнгиллаб қўйган ишини поёнига етказгач, таҳририятда бошқача шароит ҳукм сурар, эрталабдан югур-югур бошланарди. Шунда биз «Саъдулла ака романнинг бир бобини ёзиб бўлибди-да», деб кулиб қўярдик. Шундай кезларда у бизни хонасига таклиф қилар, бирин-кетин топшириқларни қалаштириб ташларди. Агар бу топшириқлар ҳисобга олинса романнинг иккинчи боби тугаллангунга қадар ҳам ҳар биримиз учун етиб-ортиб қоларлик даражада эди.

Кейин режалаштириш бошланарди. Бир чеккадан газетанинг навбатдаги сонига белгиланган мақолаларнинг номи ва муаллифи билан бош муҳаррирни бирма-бир таништирардик.

— Бўлмайди, — дерди Саъдулла ака кескин. Кейин масъул котибга юзланарди. — Ёзинг, шаҳар хўжалиги бўлими эртага транспорт муаммолари ҳақида етти қоғоз танқидий мақола тайёрлайди. Материал эрталаб соат тўққизда столимнинг устида турсин.

Барча бўлимлар билан шу тахлит жавоб муомала бўлгач навбат Абдулла Пўлатовга келарди.

— Сиз нима берасиз?

Абдулла ака режасини ҳали баён этиб улгурмай Саъдулла ака:

— Йиғиштиринг дийдиёингизни... Ёзинг Абдуллажонга. Етти қатор- етти қатордан бугун сўзи билан ўнта ахборот берадилар бу киши...

— Уялмайсизларми, — дерди Саъдулла ака Тўлқин Расулевга қараб, — ораларингизда Тўлқинбойдек сермаҳсул ходим ўтирибди. Ундан ибрат олсаларингиз бўлмайдими? Сиз нима берасиз Тўлқинбой?

— Ойшахон Тўраеванинг ахлоқ-одоб мавзусидаги мақоласи бор эди...

— Бундан бошқа муаллифингиз борми ўзи? Куни кеча уни бир саҳифага яқин мақоласини бердингизку, — деди кейин ўтирганларга қарата. — Бу Тўлқинбойнинг ҳам одатлари қизиқ экан. Бироз мақтаб қўйсангиз уни қобиғига ўралиб юраверарканлар. Эртагача пединститут (ҳозирги Педагогика университети) ҳаётидан ўн қоғозлик мақола тайёрланг. Соат тўққизгача столимда бўлсин.

Айтилган мақолаларни ким қанақа тайёрлайди? Заруриятюзасидан лозим бўлган одамлар билан қачон, қаерда учрашилади. Бу билан бош муҳаррирнинг иши йўқ эди. Баъзан шунақа дўппи тор келган кезларда бош муҳарриримизнинг бу одатидан ранжиган вақтларимиз ҳам бўлган. Кейин билсак биз ноҳақ эканмиз. Саъдулла ака шу билан бизнинг қаламимизни чархлар, тезкорликка чорлар, қийин вазиятдан осонгина чиқиб кетиш йўлларини ўргатаркан. Таҳририятда кечган сўнгги йилларимиз буни қайта-қайта исботлади.

Элшунос олим Билол Аминов эсдаликларидан:

— Газетанинг биринчи муҳаррири Саъдулла Кароматов менинг мактабдаги устозим эди. Эҳтимол, бадиий ижодга эрта ҳавас қўйишимнинг боиси ҳам балки, у кишининг таъсиридандир. Ўшанда устоз бизга адабиётдан сабоқ берарди. Чуқур билимга эга бўлгани учун машғулотларни шу қадар қизиқарли олиб борардики, биз ўқувчилар беихтиёр у кишининг сўзларини берилиб тинглардик. Йиллар ўтиб Саъдулла ака касбини ўзгартирди. Журналистика соҳасига ўтиб кетди. Олдин «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси), кейинроқ бориб эса «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газеталарида бўлим бошлиғи, сўнг масъул котиб лавозимларида ишлади. Йиллар ўтиб «Оқшом» газеталарига бош муҳаррирлик қилди. Менинг журналистик фаолиятим ҳам ана шу йиллардан бошланди. Шундан бери «Оқшом» менинг севимли газетам.

Ҳар кеча ишдан уйга қайтар эканман газета дўконлари олдида гавжум турган одамларни кўриб бугун «Оқшом»да қизиқ мақолалар босилган бўлса керак, деган уй-хаёлга бораман. Гарчи ўзим «Тошкент оқшоми»га обуна бўлган бўлсамда, то уйга келгунча сабрим чидамай «Тандирдан чиққан нондек» янги «Оқшом»ни сотиб оламан. Орадан қанча йиллар ўтдики, шу одатни канда қилмайман...

Газета ташкил топгандан бери ҳамшаҳарларимизга, бутун республикага маърифат нурларини беминнат етказишда хизмат қилиб келмоқда. Бугун дадил айтиш мумкинки, «Оқшом» газеталари пойтахт аҳолисининг чинакам дорилфунунига айланди. Газета бутун иш фаолиятида жуда кўплаб савоб ишларга қўл урди. Қобусномадек саҳифалар қатламларини варақлар эканман, тарихий йилнома сифатида ўтган йилларнинг воқеалари кўз ўнгимга келади. Газета ташкил топгандан эътиборан беминнат хизмат қилиб келган жамоатчи олим-мухбирлар ҳамда "Оқшом"да фаолият кўрсатган жонкуяр журналистларнинг бир қатор мақолаларини эслайман. Хусусан, улардан «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» рукнининг отахони Шорасул Зуннун, файласуф олим Карим Маҳмудов, шифокор Зикрилла Эгамбердиев, фольклоршунос олим Малик Муродов, публицист Тўлқин Расулев (уларнинг охиратлари обод бўлсин) табиатшунос Маннон Туйчиев, ёзувчи Ўткир Ҳошимов ва бошқа юзлаб қаламкашларнинг «Оқшом»нинг шон-шуҳрат топишида хизматлари бекиёс десам янглишмаган бўламан. Мен улардан жуда кўп ва хўб сабоқлар олдим. Газетанинг биринчи муҳаррири Саъдулла Кароматов ва муҳаррирлар Шароф Убайдуллаев, Тўлқин Қозоқбоев, Эркин Эрназаров, Акмал Акромовлардек жонкуяр, қаламипешланган тажрибали муҳаррирлардан руҳландим.

«Оқшом» газеталари менинг ҳаёт фаолиятимда, эзгу ишларимни амалга оширишда, муаммоли мақолаларни яратишимда катта мадад берди. Кўпдан ўйлатиб юрган илмий муаммолар, жумладан, «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз», «Кулги маркази очилиши зарур», «Бебаҳо бойлик», «Инсоний урф-одат ва маросимлар», «Инсон қадри ва хотираси», «От етаклаган Отабек тимсоли», «Чойхона — одобхона», «Пойтахтнинг ўн икки дарвозаси» рукнидаги кўплаб мақолаларни яратдим. Буларни тўплаб, рисола ҳолига келтирдим. Қарангки, яхши меҳнат самараси бўлиб шу мақолалар асосида беш-олтита китобим босмадан чиқди.

* * *

Ўша йилларда «Оқшом» газеталарида бир қатор шов-шувли, яъни газетхонларни фикр ва мулоҳазага чорловчи мақолалар эълон қилинди. Улар ҳақида гап борганда хусусан, «Гашт қилинг доно билан», «Истиқбол орзулари», «Уй-жой фондини авайлаб-асрайлик», «Ташаббуснинг қаноти бор», «Дўстликнинг қайноқ меҳри», «Тотув уйдан бахт аримас», «Шеърият қуёши», «Метро қасрлари жилоси», «Одамий эрсанг» каби мақолаларни келтириш мумкин.

«Оқшом» газеталари саҳифаларини варақлар экансиз, бундай долзарб мақолаларга кўплаб кўзингиз тушади. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, газета журналистлари йиллар давомида Тошкент ва тошкентликларнинг кўп қиррали турмуши ҳақида, ютуқ ва нуқсонлари тўғрисида, муваффақият ва муаммолари хусусида, қувонч ва ташвишлари ҳақида, хуллас шаҳар аҳолисини ҳаяжонга солаётган барча масалалар тўғрисида ўз ўқувчиларига батафсил ҳикоя қилиб келмоқда. Муштарийларнинг фикр ва мулоҳазаларига кўра, «Оқшом» йил сайин қизиқарли бўлиб бормоқда, турмушимизнинг долзарб масалалари ҳақида тез-тез чиқишлар қиляпти, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада рўй бераётган мураккаб жараёнларни тўғри ва ҳалол ёритишга интилмоқда. Журналистларнинг муштарийлар, шаҳар аҳолисининг фикр-мулоҳазалари изҳор этилган мактублардан кенг тарзда фойдаланишга интилиши таҳририят фаолиятининг ўзига хос ижодий хислатларидан биридир. Бинобарин, ана шундай мактублар ва оғзаки равишда қилинган мурожаатномалар Тошкентнинг кўп қиррали ҳаётининг муҳим муаммолари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади...

Юқорида биз тилга олиб ўтган мақолаларнинг замирида «Оқшом» газеталари таҳририяти барча ходимларининг осон бўлмаган ва сермашаққат ишлари ётади...

Бизнинг ҳам ягона ниятимиз севимли газетамизнинг овози мудом барқарор бўлсин, тилларда ҳамиша жаранглаб турсин.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**



*Биласизми?*

## АВТОМОБИЛЬ ВА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Автомобилларнинг сони тез суръатлар билан кўпайиб бормоқда. Лекин автомобилларнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига катта салбий таъсири борлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Масалан, бир автомобиль двигатели ўз цилиндрлари орқали 60 секунд ичида тахминан 5000 литр ёнилғи аралашмасини ўтказади. Шу вақт ичида 100 та одам нафас олиши учун керак бўлган ҳаво сарфланиши мумкин. 1 та автомобиль бир йилда ташқи муҳитга 800 кг CO ва 40 кг NO газ ҳамда бир қанча бошқа заҳарли газлар чиқаради. Шунинг учун ҳозирги шароитда кўплаб автотранспорт воситаларидан фойдаланиладиган катта шаҳар ва шаҳарчаларда таркибида заҳарли моддалар бўлган ишлатилган газларнинг йиғилиб қолишига йўл қўйиш ярамайди. Шу билан бирга автомобиль двигателларининг ишлаши натижасида ҳосил бўладиган шовқин ҳам одамларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Автомобилнинг мавжудотга кўрсатадиган заҳарли таъсирнинг ҳаммасини йўқ қилиш қийин, албатта. Лекин бу таъсирни маълум даражада камайтиришни аниқ танлаш ва ёнилғи ускунасини ростлаш, вақти-вақти билан мойлаш тармоғини ювиш учун мўлжалланган ёғ билан тозалаш ҳамда двигателни суюқлашган аралашмада ишлатиш йўллари билан ундан чиқаётган заҳарли газлар миқдорини камайтириш мумкин. Ишлатиб бўлинган газлар таркибидаги заҳарли моддаларни камайтириш учун уларни ташқи муҳитга чиқиши олдидан тозалаш ва сарфлаш лозим. Бу борада аралашмани двигателнинг чиқариш тармоғида ёндириб тугаллаш усуллари қўлланиб, товуш пасайтиргичлар ўрнида махсус софлагичлар ўрнатилмоқда.

Айтганча бу мисоллар бизда ҳам ўз ечимини топса, биз ҳам атроф-муҳитимизни имконият борича муҳофаза қилиб, нафас олаётган ҳавомизнинг мусаффо бўлишига эришдик. Бинобарин республика шаҳарларида, айниқса, Тошкент шаҳрида шахсий гаражларни қаерга қандай қуриш кераклиги табиий муҳитни асрашга алоқадор эканлигини асло эсдан чиқармасдан, зарур чора-тадбирларни кўриб бориш керак бўлади. Авваламбор ташқи муҳитни автомобилларни салбий таъсиридан муҳофаза қилиш ишларини атрофлича ўйлаб, умумий мувофиқлашган режали тизим асосида бошқариб бориш — истиқлолга юз тутган мамлакатимиз учун долзарб масалалардан биридир.

Маълумки, шаҳарда ҳосил бўладиган шовқиннинг асосий сабабчиси автомобиль транспортидир. Шовқин двигателнинг ишлаши, ишлатилган газларнинг ташқи муҳитга чиқарилиши, автомобиль ҳаракати натижасида ҳосил бўлади. Маълумки, автомобиль транспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи уни ишлатувчи ва тикловчи катта-кичик корхоналар ишлаш жараёнида ташқи муҳитни ўз чиқиндилари билан аста-секин ифлослантиради. Бу чиқиндилар, яъни нефт маҳсулотлари, кислота ва ишқорлар корхоналарда ишлатилган сув таркибида оқар сув тушиб сув ҳавзаларини заҳарлайди. Ифлосланган сув табиатга тузатиб бўлмас даражада зарар етказиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун катта ишлар қилинмоқда, яъни ифлосланган сувларни сув ҳавзаларига чиқаришдан олдин уларни тозалаш ва сўнгра қайта ишлаш масалалари ҳал этилмоқда.

**Саиджон РАСУЛОВ,**
**Тошкент Молия институти талабаси**

*Музейларда*

## ҲАЖВИЙ РАСМЛАРДАН БАҲРА ОЛИНГ

**Ўзбек халқи азалдан ҳазил-мутойибага, ўйин-кулгуга шинаванда. Тўртта улфат тўпланишдими, аскиябозлик бошланиб кетади. Суҳбатни ҳар йўсинга буриб, бир сўздан минг фикрни чарх урдириб кулгуга баҳона топиш мумкин. Айтишларича, чин дилдан мириқиб кулганнинг умри узаяр эмиш.**

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида очилган "Аския-2005" деб номланган ҳажвий расмлар кўргазмасида бўлганимизда хаёлимиздан юқоридаги фикрлар ўтди.

Ушбу кўргазмада Радик Азизов, Маҳмуджон Эшонкулов, Осимхон Восихонов, Ҳусан Содиқов, Навоий Усмонов каби 10 нафар карикатурачи рассомларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Мазкур ҳажвий расмларда рассомларимиз ҳаёт тарзимиздаги, турмушимиздаги баъзи бир камчиликларни, нуқсонларни кулгу остига олиб чизгиларида акс эттиришган.

— Бу ҳажвий расмлар — дейди кўргазма иштирокчиси Ҳусан Содиқов, — мавзуларнинг ўткирлиги, кўламининг кенглиги билан томошабинни бир томондан чуқур ўйлашга, фикр юритишга ундаса, бошқа бир томондан мириқиб кулишга чорлайди.

Дарҳақиқат, кулгу мутойиба азал-азалдан инсонларнинг кўнглини хуш қилиб, қалбларидаги турли хил ғуборларни тарқатиб кайфиятини кўтариб келган. Аммо жамиятимизда учраб турадиган баъзи бир иллатлар қизиқчиларимиз томонидан сўз билан ифодаланса, рассомларимиз ўзларининг оддийгина қаламлари билан уларни сермаъно кулгили ҳамда жонли қилиб расмларда тасвирлашади.

"Аския-2005" деб номланган кўргазмада ҳам ана шундай баъзи оғриқли нуқталаримиз кулгу остига олиниб моҳирлик билан ифодаланган. Умид қиламизки, мазкур кўргазма ўқувчилар эътиборини тортиб уларда чуқур қизиқиш уйғотади. "Аския-2005" кўргазмаси 12 апрелгача давом этади.

**(Ўз мухбиримиз)**



**СУРАТДА: "Аския-2005" кўргазмасидан лавҳа.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

*Кўргазмалар*

## ЮРТИМИЗ ТАРИХИГА ОИД ДУРДОНАЛАР

**Ўзбекистон Амалий санъат музейида Сергей Прокудин-Горскийнинг Марказий Осиё фотосуратлари бўйича кўчма кўргазмаси очилди.**



Кўргазмадан 1911-1917 йилларда Сергей Прокудин-Горский томонидан энг сўнгги технология бўйича рангли тарзда олинган Ўзбекистоннинг меъморчилик, амалий санъат, либослари, турмуши ва урф-одатларига оид 38 та ноёб фотосурат ўрин олган. Улар ўша вақтдаги Ўзбекистоннинг турли шаҳарлари ҳаёти ҳақида тўлиқ таассурот уйғотади. Айниқса Бухородаги арк, Бухоро амири Саид Олимхон, хўл мева сотувчи қиёфаси ва бошқа фотосуратлар диққатга сазовордир.

Қувонарли томони шундаки, «Чегара билмас таъмирловчилар» (RSF) халқаро ташкилотининг ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликдаги сайъ-ҳаракатлари натижаси ўлароқ ҳамда Кристенсен жамғармаси кўмагида мамлакатимиз тарихидан ҳикоя қилувчи ноёб суратлар ниҳоят санъатсевар мухлисларимизга намойиш этилмоқда. Фотосуратлар Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги кўргазмаларда кўрсатилиши орқали юртимизнинг маданий мероси бўйича кенгроқ дунёқараш очиб бериш мақсад қилиб қўйилган.

Бу кўчма кўргазма томошабинларда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда ва ўқувчилар, экскурсоводлар ҳамда санъатшунослар учун ниҳоятда фойдалидир.

**Раҳматхон АКМАЛОВ.**

**СУРАТДА: кўргазмадан ўрин олган сурат.**
**Муаллиф олган сурат.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

*ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ*

***Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан Тошкент Банк ҳисоб-кредит коллежи, Тошкент Педагогика КҲК, М.Улуғбек Саноат КҲК, Дўмбиробод Маиший хизмат кўрсатиш КҲК, Тошкент Геодезия ва картография КҲК, Тошкент Саноат КҲК, М.Улуғбек Транспорт КҲК, Юнусобод радиотехника КҲК, Юнусобод Саноат КҲК, Ҳамза Маиший хизмат кўрсатиш КҲК, Тошкент Енгил саноат КҲК, Тошкент Меҳмонхона хўжалиги КҲК, Сергели Саноат КҲК, Қўйлиқ маиший хизмат кўрсатиш КҲК, ТТЕСИ қошидаги академик лицейи, ТАЙИ қошидаги А.Икромов академик лицейларига директорлик лавозимига танлов эълон қилади.***

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатлар тақдим этадилар:

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза
2. Тавсиянома
3. Сўровнома
4. Таржимаи ҳол
5. Маълумоти ҳақида ҳужжатларнинг асл нусхаси
6. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса)
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
8. 4х6 ўлчамли 6 дона фотосурат
9. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция). Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
10. ИИББ ёки ИИВ дан маълумотнома

Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 136-05-01, 133-80-34

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

*газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.*

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

## АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2005 йил 1 апрелдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди, аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергияси нархи 30 сўм 35 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 15 сўм 18 тийин белгиланди.

**ОАЖ Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси**

